

«Тасдиқлайман»
Мақтаб директори:
Ўқув-тарбия ишлари бўйича
директор муовини:

/А.О.Оразов/

йича

/Г.А.Хасанова/



БАХТИМ ШУЛ - ЎЗБЕКНИНГ ЗУЛФИЯСИМАН!

Ўзбек адабиёти дарси
(7-синф)

ШЫМКЕНТ-2015

Мақсад:

а) Таълимий мақсад: мавзу ҳақида тушунча бериш, Зулфия ижоди ҳақида яқиндан таништириш, шеърларидан ёд олдириш.

б) Тарбиявий мақсад: Зулфиянинг ижоди ҳақида тушунча бериш. Унинг шеърларига муҳаббат уйғотиш, шу шеърлари орқали Ватанга, табиатга ва ота - онага бўлган муҳаббатни шакллантириш.

в) Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларни мустақил фикрлашга, ҳозиржавобликка ва ўз фикрини эркин баён эта олишга ўргатиш.

Услуб:

Ноанъанавий (суҳбат, савол-жавоб, ифодали ўқиш, гуруҳлар бўйича мусобақа

Жиҳоз:


Интерактив тахта (слайдлар), Зулфия ҳаёти ва ижодига оид фото-монтажлар, шоиранинг шеърий тўпламлари

Режа:

1. Гуруҳлар шарҳи (*«Муҳаббат», «Садоқат»*)
2. Ақлий ҳужум
3. Зулфия - меҳр-муҳаббат ва садоқат тимсоли, маънавий жасорат соҳибаси
4. Мушоира
5. Видео лавҳалар (*Шоира билан дийдорлашув*)
6. Зулфия ҳақида фикрлар
7. Б.Б.Б. (*Билардим, билдим, билмоқчиман*)
8. Ўқувчилар билимини баҳолаш, уйга вазифа



Зулфия Исроилова 1915 йил 1 мартда Тошкентда Исроил дегрез оиласида туғилди. 1922-1931 йилларда мактабда ўқиди. 1931-1933 йилларда хотин қизлар билим юртида ўқиди. 1933-1935 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогик институтида таҳсил кўради. 1935-1938 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олган. 1938-1948 йилда Болалар нашриётида муҳаррир бўлиб ишлади. 1950-1953 йилда “Ўзбекистон хотин қизлари” ойнамасида бўлим бошлиғи сифатида фаолият юритади. 1953-1980 йилларда “Саодат” ойнамасида бош муҳаррир бўлиб ишлайди. 1932 йил “Ҳаёт варақлари” номли илк китоби чоп этилган. 1938-1939 йилларда “Шеърлар” ва “Қизлар қўшиғи” шеърлар тўплами нашр этилди. 1943 йил “Уни Фарход дер эдилар”, “Ҳижрон кунларида” (1944), рус тилида “Верность” номли тўплам, “Чоржўй-Қўнғирот” (1947), “Далада бир кун” (1948), “Тонг қўшиғи” (1953) китоблари нашр этилган, “Сўроқлайди шоирни шеърим” (1960), “Ойдинда” (1953), “Қуёшли қалам ” (1967) очерк, поэма ва дostonларини ёзган.




Зулфия Исроилова Тошкентда хунарманд-дегрес оиласида туғилди. Унинг бобосини Муслим дегрез дер эдилар ва у Дегрезлик маҳалла-сида яшар эди. Олов ва темир билан тобланган отасини шоира шундай хотир-лайди: “Отам захматкаш темирчи эди. Мен ҳамма вақт уни иш кафтида кўрар эдим. Ўша вақтда болаларини боқиш, рўзғор тебратиш учун одамлар жуда кўп меҳнат қилишлари зарур эканлигига сира ақлим етмасди. Отамнинг ҳамма вақт оловга йўлдош касбидан фақат завқ ва шавқни кўрар эдим”.

Онаси Хадича опа жуда кўп қўшиқ, эртақ, афсона ва дostonларни билар ва болаларига айтиб берарди. “Бу сеҳрли афсона ва дostonлар, — деб ёзади Зулфия, — бизга бениҳоя хузур бағишлар, ўзига ром қилиб олар, ҳар сафар янги жилва касб этар эди... сўзга шайдолик ҳиссини менинг қалбимда... оддий аёл-она уйғотган”.


Яна бир ҳассос шоир — Ҳамид Олимжон билан кечирган қисқа турмуши, ундан жудо бўлиб қолиши, умуман, шоиранинг ҳаёт йўли садоқат ва вафо тимсоли бўлиб қолди.



А.С.Пушкин




М.Ю.Лермонтов




Н.А.Некрасов



Н.С.Тихонов



Т.Г.Шевченко



Леся Українка



Шоира
Шеърларинин
г мавзулари

меҳнат завқи

табиат тасвири

севги-муҳаббат

айрилиқ

ҳижрон

орзу-армон

тинчлик

дўстлик

она қалби

бахт-саодат

қардошлик

ватанпарварлик

чақириқ

ҳаёт чизгилари

фахр туйғуси

шукроналик

100 ёш

*Наздимизда
Зулфия*

суюкли фарзанд

зеҳнли сингил

истеъдодли
шогирд

оқибатли дўст

талабчан устоз

суюкли ёр

меҳрибон она

мўътабар буви



истеъдодли шоира

педагог

таржимон

журналист

бош муҳаррир

жамоат арбоби

ватанпарвар

тинчликсуяр

*Назмда чин
фахрия*




М.В.Исаковский



Мустай Карим



Вера Инбер



Қайсин Кулиев




Эди Огневет



Сильва Капутикян

Зулфия турмуш жабхаларида



Шоира Зулфия мукофотлари

1. Ҳамза номидаги Давлат мукофоти – «Уйлар», «Шалола» шеърий мажмуалари учун
2. Иттифоқ Давлат мукофоти – “Сайланма” лари учун
3. Жавоҳарлал Неру номидаги умумҳиндистон соврини – ҳинд мавзусидаги шеърлари учун (1968);
4. «Нилуфар» мукофоти – тинчлик ва дўстликни тараннум этувчи асарлари ва тараққийпарвар Осиё ва Африка ёзувчилари ҳаракатидаги фаол иштироки учун (1970);
5. Меҳнат Қаҳрамони унвони
6. «Ҳурмат белгиси», Ленин ордени
7. 3 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени
8. Болгария халқ Республикасининг 1-даражали «Қизил ва мефодий» ордени
9. «Халқлар дўстлиги ордени»– 1975 йил 60 ёшга тўлиши муносабати билан.

Зулфия бегимга

Умрларда давом этсин
Ватан уфқида парвозинг,
Замон акси садосидек
Жаранглаб турсин овозинг.




Ғ.Ғулом

Шоира Зулфиянинг адабиёт
Оламимиздаги овозини биринчи
эшитганимда, биринчи шеърларини
ўқиганимда илбомонинг тозалиги,
бизларининг нафислиги, шеърларининг
самимийлигидан суюнган эдим ...



Ойбек

Мен шоира поэзиясида дилбарлик,
донолик, бу улкан маданиятнинг
қўлга киритган улкан ютуғи
эканлигини ҳам таъкидламоқчиман ...



Чингиз Айтматов

Зулфия сингари сиймолар халқнинг
бахти бўлиб яраладилар. Бу бахт,
аввало, ўзбекники, Ўзбекистон-
ники, мамлакатники, сўнгра эса
дунёники ...



Эркин Воҳидов



Шундай одамлар борки, тирикликда умрнинг қадрига етмай яшаб ўтадилар. Яна шундай инсонлар борки, тирикликда ўзига иккинчи - абадий умрни яратиб кетишга улгурадилар. Зулфияxonим ана шундай тирикликни шараф билан яшаб, ўзига шеърят аталмиш мрамрдан боқий ҳайкал ясаб кетган инсон-лардан бири.

Зулфия опа, одатда, сахар туриб, бир финжон қаҳва ичиб ижод столига ўтирардилар. Бирор шеърни кўнгилдагидек яқунласалар, ўқиб берардилар. Опанинг шеър ўқиган онларини жуда яхши кўрардим. Кўзлари чарақлаб кетарди.

(Наим Каримов)



Дарс якуни:

1. Биладан: _____

Билдим: _____

Билмоқчиман: _____

2. Уйга вазифа: Шоиранинг
шеърларидан бирини шарҳлаш

3. Ўқувчилар билимини баҳолаш

Дарс жараёнидан лавҳалар



